O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 102 (9.446) 2000 йил 28 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

**Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ислоҳотларни амалга оширишдаги фаол иштироки ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» унвони берилиб, олий нишон — «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медали топширилсин:**

**Аблакулов Хазрат** — Ғиждувон тумани С. Айний номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Бухоро вилояти

**Джуманиязов Бекдурди** — Хива тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Хоразм вилояти

**Жураев Юрсинбой** — Олтиариқ тумани Б. Отақулов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.



Аблакулов Хазрат



Джуманиязов Бекдурди



Жураев Юрсинбой

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиёт ва санъат усталарини мукофотлаш тўғрисида

**Бетакрор истеъдоди ва қолдирган ўлмас мероси билан ўзбек миллий маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ, миллат тараққиётига бағишлаган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, эл-юрт олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:**

**Ғафур Ғулом** — академик, Ўзбекистон халқ шоири

**Ойбек (Мусо Тошмуҳаммад ўғли)** — академик, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Абдулла Қаҳҳор** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов** — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Муҳиддин Қориёқубов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Юнус Ражабий** — академик, Ўзбекистон халқ артисти

**Аброр Ҳидоятов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Жўрахон Султонов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Маъмуржон Узоқов** — ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Комилжон Отаниёзов**— ҳофиз, Ўзбекистон халқ артисти

**Ботир Зокиров** — Ўзбекистон халқ артисти.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, санъат ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

**Абдувоҳидов Абдулхамид** — Наманган вилояти Чуст туманлараро прокурорининг ёрдамчиси

**Вакилов Рискиддин Абдулхакимович** — Қашқадарё вилояти судининг судьяси

**Дадабоев Тулан Турсунович** — Сирдарё вилояти ҳокимияти адлия бошқармасининг бошлиғи

**Мирсамадов Мирфайзи Миряхъяевич** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бўлим бошлиғи

**Палванов Султан** — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Шарафутдинов Алишер Озатович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги терговбошқармаси бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Маллабоев Авазбек Ғанижонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Махмудов Даврон Муйдинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Назорат ва ижро интизоми бўйича гуруҳ раҳбари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи»

**Сайдарипов Тохир** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Халматов Батир Зиёмович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари

**Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойилиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Мухитдинова Халима Қодировна** — Тошкент юридик коллежи директорининг ўринбосари

**Хўжаев Ботир Асадиллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

### 1-даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Биков Вячеслав Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари жанговар тайёргарлик бошқармасининг комиссия раиси

**Нурматов Сайфулло Очилович** — Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — тергов бўлими бошлиғи

**Худайбергенов Турсинхон Айдарович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

### 2-даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Авазжонов Фарҳод Спартакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари — штаб бошлиғи

**Алиев Александр Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Эркин Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Бухоро чегара ҳудуди бўлинмаси офицери

**Ахунов Сраджиддин Таджиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Аширов Шермухаммад Эргашалиевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вертолёт қисмининг штурман-учувчиси

**Бараненков Дмитрий Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари вертолёт эскадрильяси командири

**(Давоми 2-бетда).**

*Ўзбекистон Республикаси*
*Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида

**Ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва иймон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, ижодий уюшмалар ва санъат жамоатчилигининг ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

«Ниҳол» мукофоти якка ва туркум мусиқий асарлар яратиш ва ижро этишда юксак бадиий маҳорат кўрсатган, 30 ёшгача бўлган ижодкорларга ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида тантанали вазиятда топширилади.

2. «Ниҳол» мукофоти совриннинг рамзи, Низоми ва мукофотга тавсия этилган номзодларнинг ижодий ишларини кўриб чиқувчи Кенгаш таркиби тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ниҳол» мукофоти соврindорларига ҳар йили энг кам иш ҳақининг 70 баробари миқдорида 10 та пул мукофоти ажратилишини, совринларни тайёрлаш, матбаа, реклама ва ташкилий ишлар билан боғлиқ тегишли сарф-харажатларнинг қопланишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклатилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 25 август.

# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитасида «Мустақиллик — фан ва жамият тараққиётининг кафолати» деган мавзуда илмий конференция ўтказилди.

◆ Наманган вилоятида Меҳр-шафқат ўн кунлиги ўтказилмоқда.

◆ Тинчлик корпусининг ободонлаштириш тадбирларида иштирок этаётган АҚШнинг тўрт нафар фуқароси велосипедларда Бухорога етиб келишди.

◆ Германия Федератив Республикасининг фуқаролар ҳимояси бўйича Федерал идораси инсонпарварлик ёрдами тариқасида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун тиббиёт жиҳозлари ажратди.

◆ Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси таъмирлаш ишларидан сўнг яна ўзининг дастлабки меҳмонларига хизмат кўрсатишга киришди.

## ЖАҲОНДА

◆ **Кеча** Молдова халқи ўзининг миллий байрами — Мустақиллик кунини байрам қилди.

◆ **Бугун** АҚШ Президенти Билл Клинтон Танзания сафарига отланмоқда. Куни кеча у Нигерияда икки кунлик ташриф билан бўлган эди.

◆ Индонезия Президенти Абдураҳмон Воҳид янги ҳукумат таркибини эълон қилди. Ҳукумат аъзолари сони 36 дан 26 га қисқарган бўлиб, уларнинг 16 нафари, жумладан, ички ишлар, ташқи ишлар, адлия, саноат ва савдо вазирлари ўз ўрнини сақлаб қолди.

◆ Токионинг Мегуро тумани префектураси Ўзбекистон халқ амалий санъати усталарининг асарлари кўргазмасини ташкил этди.

◆ Ўтган шанба куни Абхазиянинг Гал туманида илгари гаровга олинган олти нафар грузин озод қилинди.

◆ АҚШ Президенти Билл Клинтон нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотини (ОПЕК) нефть баҳосини тушириш учун уни қазиб олишни кўпайтиришга чақирди.

◆ **Кеча** Москвадаги Останкино телеминорасида ёнғин рўй берди. Ердан 420 метр баландликда бошланган ёнғин пастга қараб ёйила бошлади. Ана шу ёнғин туфайли Москва шаҳри ва Москва вилоятига кўрсатиладиган бир қанча дастурдаги кўрсатувлар тўхтатилди. Ҳозирча уч нафар ўт ўчирувчи ва лифтда ишловчи аёл бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Бугун ёнғинни ўчириш давом этмоқда.

◆ Россия Президенти Владимир Путин «Курск» атом сувости кемасининг ҳалокати сабаблари аниқланмагунга қадар Россия Мудофаа вазири Игорь Сергеев, мамлакат ҳарбий-денгиз флоти бош қўмондони Владимир Куроедов ҳамда Шимолий флот қўмондони Вячеслав Поповнинг истеъфосини қабул қилмаслигини билдирди.

◆ **Бугун** Озарбайжоннинг марказий сайлов комиссияси «Халқ фронти» партиясининг парламент сайловлари иштирокчиси сифатида рўйхатга олиниши тўғрисидаги масалани қараб чиқади.

◆ Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида рўй берган тунги отишмалар пайтида Исроил армиясининг уч нафар аскари ҳалок бўлди ва яна 9 нафари жароҳатланди.

◆ Ливанда парламент сайловларида овоз беришнинг биринчи босқичи якунланди.

◆ Сьерра-Леонеда британиялик 11 нафар ҳарбий хизматчи гаровга олинди.

◆ Ҳиндистоннинг жанубида кучли сув тошқини рўй берди. Шунинг оқибатида камида 105 киши ҳалок бўлди ва бир неча минг киши бошпанасиз қолди.

◆ Рўй берган ўрмон ёнғинлари туфайли Грециянинг жануби, шимоли ва ғарбидаги ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди, ёнғинлар туфайли етти киши ҳаётдан кўз юмди.

◆ Бу йилги қурғоқчиликдан Хитойнинг Ички Монголия мухтор тумани катта иқтисодий зарар кўрди. Сув танқислиги боис тумандаги экин экиладиган майдоннинг 2,6 миллион гектаридан фойдаланилмади. Бундан ташқари туманда 610 минг бош қорамол нобуд бўлди.

◆ Жанубий Кореянинг айрим вилоятларида уч кундан бери тўхтамаётган сел оқибатида, юз берган кўчки туфайли уч киши ҳалок бўлди ва бир қанча киши жароҳатланди. Юзлаб уйлар вайронага айланди.

## ОЛИМПИЯ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ОСИЁ КЕНГАШИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ МАЖЛИСИ

**КЕЧА пойтахтимиздаги «Интерконтитенталь» меҳмонхонасида Олимпия Ижроия Қўмитаси Осиё кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олимпия Ижроия Қўмитаси Осиё кенгаши аъзоларига ва мажлис қатнашчиларига табрикнома йўллади. Президентимизнинг ушбу табрикномасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ўқиб эшиттирди.

Олимпия Ижроия Қўмитаси Осиё кенгашининг президенти Шайх Аҳмад Ал Сабоҳ раислигида ўтган ушбу мажлис ўзига хос тарихий аҳамият касб этади.

Олдинда Олимпия Ижроия Қўмитаси Осиё кенгашининг Бош Ассамблеясини 2000 йилнинг сентябрь ойи охиригача ўтказиш вақти ва жойини аниқлаш, шунингдек 2002 йилда Осиё ўйинларини ўтказиш янги ўрнини белгилаш вазифалари турибди.

**Ўз мухбиримиз.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 28 август куни соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. 29 август куни Олий Мажлисда:

соат 9.30 да — сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг;

соат 11.00 да — Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг;

соат 12.00 да — «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг;

соат 14.00 да — «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг;

соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

*Ягона оилада*

## ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ



**Ўтган шанба куни шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида янграган карнай-сурнай садолари узоқ-яқиндан меҳмонларни файзли боғ қўйнига — Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, Республика Байналмилал маданият маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Шу азиз Ватан — барчамизники» шиори остидаги Якдиллик байрамига чорлай бошлади. Халқ сайлига айланиб кетган ушбу байрам мустақил юртимизда кўп миллатли халқларнинг нақадар тотув ва аҳил яшаётганини яна бир бор намоён қилди.**

— Мана шундай гўзал боғда бир тану бир жон бўлиб фарзандларимиз билан ўтиришимиз ҳаётимизнинг энг азиз дамларидандир, — деди жумладан йиғилган юртдошларимизни табриклар экан Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев. — Ҳозирги кунда республикамизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил — баҳамжиҳат яшамоқдалар. Бутун Ўзбекистон катта тантана хонадонига айланган. Мустақиллик тантаналари арафасидаги ушбу Якдиллик байрами бизни кўп хурсанд қилди. Зеро, шу азиз Ватан ушбу саҳий заминда истиқомат қилаётган барчамизники. Барчамиз бир-биримизга оқибатли, кўмакдош ва елкадош бўлайлик. Ана шунда тинчлигимизга раҳна солишга уринаётган ёвуз кучларга зарба берган бўламиз. Ҳаммамизга байрам муборак бўлсин.

Сўнг Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф тотув ва аҳил миллатлари ўз нурли келажагини бунёд этаётган азиз Ватанни турли хил ёвуз кучлардан асрашда миллатдошлар эмас, ватандошлар бирлашажагини таъкидлашиб, ўзларининг янги шеърларини ўқиб беришди.

Шунингдек, якдиллик байрами давомида шоир, драматург ва таржимон Александр Файнбергнинг ижод намуналари, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, ширин-нафас ҳофиз Олимжон Орифжонов, «Тавоис» миллий дастаси, «Сарбон» гуруҳи, Отабек Мадраҳимов, талабалар ансамбллари ижросида ширали қўшиқ ва куйлар янгради, ёзувчи, олимлар, жамоатчилик вакиллари мустақиллигимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз лозимлигини таъкидлашиб, тинчлигимизни бузишга уринаётган мудҳиш террорчиларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларини кескин қоралашди.

Тадбир давомида «Энг улуғ, энг азиз» республика танловига ҳам якун ясалиб, унда ўз ижод намуналари билан қатнашган энг муносиб адабиёт, санъат ва ижод аҳлларига қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

**СУРАТЛАРДА: якдиллик байрамидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**



*2000 — Соғлом авлод йили*

# МУҲИМ ВАЗИФА

**Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши, соғлом авлодга муносабат бу — оилага, оналарга, фарзандларга бўлган эътибордир.**

Бу йил айниқса оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшлар соғлиғига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Жойларда бу соҳада талайгина ишлар амалга оширилаётир. Бу борада шаҳримиздаги ўсмирлар соғлиғини тиклаш маркази самарали иш олиб бормоқда.

— Ўсмир ёшдаги ўғил ва қиз болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриш энг муҳим вазифаларимиздан, — дейди биз билан суҳбатда марказнинг жарроҳлик бўлими шифокори Акмал Рўзиев. — Чунки бу ёшдаги болаларда ўсиш жараёнида улар организмида ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Яъни, ўсмир ёшдаги болаларда сурункали тонзиллитлар, фарингитлар, одиноид ўсимталар, бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиши ва бошқа ҳар хил касалликлар учраши кузатилади. Қулоқда эса қулоқ чипқони, сурункали яллиғланишлар, эшитиш нервининг яллиғланиши каби қатор касалликлар шулар жумласидандир. Ушбу касалликлар белгилари пайдо бўлган заҳоти тезда шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Марказимизда юқорида номлари санаб ўтилган хасталикларга аниқ ташхис қўйилади ва бу хасталиклар дори-дармонлар ҳамда жарроҳлик йўллари билан даволанади. Бунинг учун марказимизда барча шарт-шароит мавжуд. Бўлимимизга ҳар куни 20-25 нафар ёшлар турли хасталиклар билан мурожаат қилишади. Уларнинг касаллик турига қараб турли хил йўллар билан даволаймиз. Агар беморнинг аҳволи оғирроқ бўлса, зудлик билан марказимиз қошида жойлашган касалхонада даволанилади. Ўсмир ёшдаги болаларда содир этиладиган ушбу касалликларнинг вақтида олди олинмаса, улар сурункали касалликларга айланиб, оғир жароҳатларга олиб келиши мумкин. Қулоқ эшитмаслик, бурундан нафас ололмаслик каби касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун касални даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Бобомиз Амир Темур айтганларидек: «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур».

Ушбу марказда ўз касбининг фидойилари, беморлар дардига малҳам бўлиб келаётган бош шифокор Маҳбуба Орифхонова раҳбарлигидаги қўли енгил шифокорлар ўсмирлар соғлиғи йўлида тинмай меҳнат қилаётганлари таҳсинга сазовордир.

**Иззат АҲМЕДОВ.**

*Футболимиз келажаги*

# АКМАЛ ИКРОМОВЛИКЛАР — МУСОБАҚА ҒОЛИБИ



**Республикамизда футболни янада оммавийлаштириш ва маҳаллаларда ривожлантириш, уни аҳоли ўртасида ва жойларда кенг тарғиб қилиш, ёш болалар ва ўсмирлар орасидан иқтидорли футболчиларни танлаб олишдек хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда 14 ёшгача бўлган маҳалла ўсмирлари ўртасида республикамизнинг барча вилоятларида ташкил этилган «Футболимиз келажаги» мусобақалари ҳам ўз поёнига етди.**

Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Ёшлар» канали ташаббуси билан ўтказилган ушбу мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 6673 та команда иштирок этди.

Ўтган шанба куни республикамизнинг энг кучли маҳалла жамоасини аниқлаш мақсадида шаҳримиздаги «Пахтакор» стадионининг яшил майдонига пойтахт Акмал Икромов туманидаги «Оқ мачит» маҳалласининг «Оқ мачит» ҳамда Бухоро шаҳри, Файзулла Хўжаев туманидаги «Жубор» маҳалласининг «Ёш куч» жамоаларининг ёш футболчилари тушишди.

Ярим финалда ўзларининг фарғоналик рақибларини 7:2 йирик ҳисобида енгган ҳамшаҳарларимиз ўйинни ҳужумкор руҳда бошлашди. Беллашувнинг 15-дақиқасида ўнг қанотдан бошланган шиддатли ҳужумни аниқ зарба билан якунлаган Дониёр Сайдумаров «Оқ мачит» жамоасини олдинга олиб чиқди — 1:0. Шундан сўнг майдонда нисбатан тенг ўйин кечди — зеро, рақиблар бир-бирларига муносиб ва маҳорат бобида кучли жамоалар эди. Ҳатто иккинчи бўлимда бухоролик футболчиларнинг ажойиб жарима тўпидан сўнг фақатгина ҳимоячининг ҳушёрлиги туфайли «Оқ мачит» дарвозаси забт этилмади. Шу тариқа 1:0 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармасдан «Оқ мачит» ўйинчилари «Футболимиз келажаги» Республика Кубогининг соҳиблари бўлишди. «Оқ мачит» жамоасининг барча ўн беш нафар ўйинчиси, жамоа мураббийси Низомиддин Зиёвиддинов, маҳалла оқсоқоли Саъдулла Ибрагимовлар олтин нишонлар ва «Фонон» корхонасида тайёрланган махсус кўчма биллур Кубок билан тақдирланди. Ушбу жамоанинг ўйинчиси Асомиддин Низомиддинов турнирнинг «Энг яхши ярим ҳимоячиси», Баҳром Муҳиддинов эса «Энг яхши ўйинчи» деб топилиб ҳомийлар ва ташкилотчилар томонидан ажратилган махсус совринлар билан тақдирланишди.

Бухоронинг «Ёш куч» жамоаси иккинчи, Фарғона шаҳри «Оқариқ» маҳалласининг «Нафосат» ҳамда Қашқадарё вилояти, Косон тумани «Пахтазор» маҳалласининг «Пахтазор» жамоалари учинчи ўринларни эгаллашди.

Барча ғолиб ва совриндорларга, турнирнинг энг яхши ўйинчиларига мусобақанинг кўплаб ҳомий ва ташкилотчилари томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мусобақа натижаларига кўра шаҳримизнинг саккизта туманидан 63 нафар турнирда фаол қатнашиб ўз иқтидорини намоён қилган 1986-87 йилларда туғилган ўсмирлар «Пахтакор» футбол мактаби ва шаҳримиздаги бошқа футбол мактабларига тавсия этилди. Келаси йили эса 8-11, 12-14 ва 15-16 ёшли ўсмирлардан учта ёш тоифаси бўйича «Футболимиз келажаги» Кубоги мусобақаларини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

— Кўп вақтдан бери болалар ўртасида бундай қизиқарли ва фойдали мусобақалар ўтказилмаётганди, — деди таассуротлари билан ўртоқлашар экан футболимиз фахрийси, таниқли мураббий Акмал Азизхўжаев. — Улар футболимизнинг ёш иқтидорларга нақадар бой эканлигини кўрсатди. Илгарилари ҳам бизнинг барча зўр футболчиларимиз маҳалладан чиққан. Эндиликда кашф этилган ёш талантларни яхшилаб парваришлаш керак.



**Дилшод ИСМОИЛ.**

**СУРАТЛАРДА: «Футболимиз келажаги» финал баҳсидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Маҳалла*

# ҲАМЖИҲАТЛИК



**Шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Қорасув-1» даҳасида жойлашган «Гулзор-39» маҳалласи ҳам кундан кунга чирой очаётган масканлардандир. Маҳалла 31 та кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, бу ерда 1483 та хонадонда 8100 аҳоли истиқомат қилади.**

— Аҳиллик бор жойда бошлаган ишингни охирига етказиш мумкин экан, — дейди маҳалла фаоли, 48-уй бошқарувчиси Холида Кришнан. — Бундан икки йил аввал маҳалламиздаги кўп қаватли уйлар олди чиқинди ва ахлатларга тўлиб ётарди, ҳовли ва кўчаларимиз кечқурун умуман ёритилмасди. Маҳалла оқсоқоли ҳамда фаоллар йиғилишиб туман ҳокимлиги ёрдами билан ҳашар уюштириб уйларимиз атрофини яхшилаб тозаладик. «Янги ҳаёт» ва «Гулзор-39» маҳалласига 5 та ахлат майдончаси қурилди ва янги ахлат қутилари ўрнатилди. Кўп йиллардан буён ёзда чанг, қишда балчиқ бўлиб ётадиган ён-атроф йўлкаларимизга ҳам шағал тўктириб асфальт қилинди.

48-уйда истиқомат қилувчи аҳоли 18 йилдан буён қишда иссиқлик бўлмаслигидан қаттиқ қийналиб келарди. Ўтган йили ушбу уй капитал таъмирланди. Маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлиги туфайли ҳокимлик ҳамда 9-ижара корхонаси ёрдами билан маҳаллада болалар учун спорт майдончаси ҳам қурилди.

Шунингдек, маҳалладаги ҳар бир турар-жой биносида тозалик ва орасталикка алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Уйларнинг ҳар бир йўлагига ўриндиқлар ўрнатилганлиги, маҳалла аҳлининг «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори остида яшаётганлиги улар яшаётган масканнинг ҳамжиҳатлик асосида янада яшнаб обод бўлишидан дарак бериб турибди.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

# ИШҚИБОЗЛАР ҚУВОНЧИ

**Ўтган куни Ўзбекистон миллий чемпионатининг 26-тур учрашувлари ўтказилди. Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Пахтакор» ва «Трактор» жамоалари бу сафар рақиблари устидан ғалаба қозониб ишқибозлари кўнглини шод этишди.**

Аввалги турда Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини мағлуб эта олган пахтакорчилар бу сафар «Темирйўлчи»ни ўз майдонларида йирик 7:1 ҳисобида енгишга муваффақ бўлишди. Иккинчи давра бошланганидан бери мағлубият нималигини билмай келаётган «Пахтакор» аста-секин ўз ўйинини топиб олаётгандек назаримизда.

Яна шуни айтиш лозимки, «Пахтакор»нинг аввалги шуҳратини тиклаш борасида ҳукуматимиз амалга ошираётган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганлиги қувонарли ҳолдир. Чунки севимли жамоамиз ушбу ғалабалардан сўнг турнир жадвалининг еттинчи поғонасига кўтарилиб олди.

Пойтахтимизнинг олий лигадаги яна бир вакили «Трактор» эса бу сафар ўз майдонида «Бухоро» жамоаси устидан йирик 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Насаф» — «Андижон» 5:2, «Сурхон» — «Нефтчи» 1:3, «Металлург» — «Қизилқум» 0:0, «Сўғдиёна» — «Зарафшон» 3:2, «Семурғ» — «Навбаҳор» 2:3, «Хоразм» — «Кимёгар» 0:2.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

# ДОНОЛАР ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

- Яхши дўст денгиз қоясига ўхшайди, у ҳар қандай зарбалар етганда ҳам мустаҳкам туради.
- Содиқ дўст етти хазинадан ҳам қиммат, уни авайлаш керак.
- Чин дўстингнинг кўнглига сира озор берма.
- Бинони қуриш қийин, бузиш осон бўлганидек, дўст бўлмоқ ва садоқат кўрсатмоқ қийин, дўстлик риштасини эса бир сўз билан барбод қилиш мумкин.
- Ҳақиқат сўзни фақат доно одамга айт, нодонга айтсанг, маломат тошини отади.
- Дўст дардига ҳамдам бўлган одамни чин дўст деб билиш керак.
- Яхши кунда бирга яйрашиб, ёмон кунда айрилишиб кетадиган киши хиёнаткор бўлади.
- Садоқатли дўстлар кўзга ўхшайди, иккиси баравар йиғлаб, баравар кулади.
- Дўст қадрини билмаган — чин дўст тополмайди.
- Кибр-ҳавоси баланд, фақат ўзини севадиган, худбин киши дўст бўлолмайди.
- Дўстларни зиёрат қилиб туриш — дилларга ором бағишлайди.

**Гулором ҲАМИДОВА тайёрлаган.**

*Мутасаддилар фикрича...*

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



**Ҳаммамиз орзиқиб кутаётган мамлакатимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 9 йиллик шодиёналари ҳар биримизнинг ёдимизда узоқ вақт сақланиб қолиши учун кўп саъй-ҳаракатлар қилиниб, тараддуд ишлари ҳам ниҳояланмоқда.**

Байрамга тайёргарлик доирасида пойтахтимиз кўчалари ва майдонларида тартиб-интизомни таъминлаш борасида ҳам кенг кўламдаги ишлар бажарилди. Ҳар галгидек байрам кунларида шодиёналар ва халқ сайилларининг бемалол ўтказилишини назарда тутиб Тошкент шаҳрида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида айрим кўчаларда транспорт ҳаракати маълум соатлар ичида тўхтатилади.

Хўш, бу гал Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги байрами тантаналарини ўтказиш вақтида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар белгиланмоқда? Мухбиримизнинг ушбу саволига Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорат бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Равшан Даминов жавоб қайтариб, жумладан қуйидаги кўчаларни ёпишга, майдонлар ва хиёбонларда транспорт воситаларининг қатновини тўхтатишга рухсат берилганлигини таъкидлади:

**2000 йил 31 август соат 10.00 дан то 22.00 гача**

◆ Навоий кўчаси — Абай кўчасидан А. Темур кўчасига қадар;

◆ У. Юсупов кўчаси — Навоий кўчасидан А. Қодирий кўчасига қадар;

◆ А. Темур кўчаси — Истиқлол кўчасидан А. Навоий кўчасига қадар (жамоат транспорти қатновига А. Қодирий кўчасидан Шаҳрисабз кўчасига қадар рухсат берилади);

◆ Пушкин кўчаси — А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;

◆ Мусахонов кўчаси — А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;

◆ Охунбобоев кўчаси — А. Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;

◆ Мовароуннаҳр кўчаси — Матбуотчилар кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;

◆ Т. Шевченко кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;

◆ Буюк Турон кўчаси — Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

◆ Ш. Рашидов кўчаси — А. Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

◆ Ўзбекистон кўчаси — Абай кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасига қадар;

◆ Афросиёб кўчаси — Ш. Рашидов кўчасидан Т. Тўла кўчасига қадар;

◆ Т. Тўла кўчаси — Афросиёб кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;

**2000 йил 1 сентябрь соат 6.00 дан 22.00 га қадар:**

Мустақиллик майдони, Халқлар Дўстлиги саройи, Ўзбекистон Миллий боғи, Хадра майдони, Навоий театри майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Бобур боғи, А. Темур ва Улуғбек хиёбонларига туташ кўчаларда халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатновини тўхтатиш рухсат этилади.

Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга ҳаракатланишни чегаралаш кўзда тутилган.

Тошкент метрополитени байрам кунлари метрополитеннинг мунтазам ишлашини таъминлайди, «Мустақиллик» бекати 2000 йил 31 август соат 14.00 дан то 22.00 гача вақтинча ёпиб қўйилади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

МУҲТАРАМ ҲАМШАҲАРЛАР!

«ТОШШАҲАРМАИШИЙХИЗМАТУЮШМА»СИ ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИНИ ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАСИНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.



*УЛУҒ БАЙРАМ АРАФАСИ 31 АВГУСТ КУНИ ТУМАН УЮШМАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ҚУЙИДАГИ САРТАРОШХОНАЛАРДА КЕКСА ВА НОГИРОН МИЖОЗЛАРГА БЕПУЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ*

**АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИ**

1. «Ирина Грация» хусусий фирмасига қарашли Фарҳод ярмаркаси, 2-қатордаги сартарошхона, тел. 76-02-75
2. «Санжар Дил» хусусий фирмасига қарашли Фарҳод кўчаси 11-мавзе, 14-уйдаги сартарошхона, тел. 74-80-40
3. «Зул Феруз» хусусий фирмасига қарашли Г-9а мавзе, 20-уйдаги сартарошхона

**БЕКТЕМИР ТУМАНИ**

1. «Чень-Чунь» хусусий фирмасига қарашли Ҳусайн Бойқаро, 108-уйдаги сартарошхона, тел. 195-19-66
2. «Азия-Интур» хусусий фирмасига қарашли Ҳусайн Бойқаро, 3-уйдаги сартарошхона
3. «АОО Дилором» хусусий фирмасига қарашли Бектемир буюмлар бозоридаги сартарошхона
4. «ЛАРС ЛКВ» хусусий фирмасига қарашли Қўйлиқ деҳқон бозоридаги сартарошхона

**МИРОБОД ТУМАНИ**

1. АОО «Дилором» ХФсининг сартарошхонаси, Ш. Рашидов кўчаси, 77-уй
2. «Миробод бозори» Акционерлик жамиятига қарашли Миробод бозори 2-қават, сартарошхона, тел. 54-06-79
3. «Аваздан» хусусий фирмасига қарашли Мунис кўчаси, 80-а уйдаги сартарошхона, тел. 90-78-51

**МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ**

1. «Марсо» хусусий фирмасига қарашли ТТЗ-4 мавзеси, 4-уйдаги сартарошхона, тел. 64-92-18
2. «Гулнора СМ» хусусий корхонасига қарашли А. Тўқай кўчаси, 1а-уйдаги сартарошхона, тел. 133-54-31
3. «Фарҳод Само» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 87-уйдаги сартарошхона, тел. 162-68-37
4. «Ҳуррият Бегим» хусусий корхонасига қарашли Буюк Ипак йўли кўчаси, 257-уйдаги сартарошхона, тел. 66-33-91

**СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ**

1. «Карима» хусусий фирмасига қарашли Форобий кўчаси, 416-уйдаги сартарошхона, тел. 46-61-19
2. АОО «Дилором» хусусий фирмасига қарашли Қорақамиш 1/2, Савдо маркази сартарошхонаси, тел. 48-72-63
3. АОО «Дилором» хусусий фирмасига қарашли Қорақамиш 1/4, 27-уйдаги сартарошхона

**СЕРГЕЛИ ТУМАНИ**

1. «Сергели» жамоа корхонасига қарашли Сергели-8 ЦУМ, сартарошхона, тел. 51-59-49
2. «Ҳаво Дарвозаси» хусусий фирмасига қарашли, Тошкент Аэропорти, сартарошхона, тел. 59-19-22
3. Жаханова Д. Хусусий тадбиркорга қарашли Сергели-6 Деҳқон бозори, сартарошхона
4. Абдуллаев А. Х. хусусий тадбиркорга қарашли Сергели-6 автобекат, сартарошхона
5. Кораблева О. Д. хусусий тадбиркорга қарашли Сергели-4 31-Г уйдаги сартарошхона

**ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ**

1. «Бахт Сервис» хусусий фирмасига қарашли Чилонзор, 16-мавзе, 10-уй 12-хонадаги сартарошхона, тел. 76-48-31
2. Пулатова С. хусусий тадбиркорга қарашли Алгоритм даҳаси, 1-уйдаги сартарошхона, тел. 170-71-17
3. АОО «Дилором» хусусий фирмасига қарашли Муқимий кўчаси, 7-уйдаги сартарошхона

**ҲАМЗА ТУМАНИ**

1. «Эмилия» масъулияти чекланган жамиятга қарашли М. Ҳасанова кўчаси, 10-уйдаги сартарошхона, тел. 96-66-02
2. Шарипов К. И. хусусий тадбиркорга қарашли «Авиасозлар» бозори ҳудудидаги сартарошхона
3. «Ғайратжон» хусусий фирмасига қарашли Миршаропов кўчаси, 11-уйдаги сартарошхона

**ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ**

1. «Муҳайё» хусусий фирмасига қарашли Уйғур кўчаси, 411-уйдаги сартарошхона, тел. 45-18-94
2. «Оқлон» хусусий фирмасига қарашли Уйғур кўчаси, 30-а уйдаги сартарошхона
3. Мирзаахмедов А. хусусий тадбиркорга қарашли Уйғур кўчаси, 345-уйдаги сартарошхона
4. «Каттаҳовуз» маҳалласига қарашли Хўжаев кўчасидаги сартарошхона
5. Пайзиев М. Н. хусусий тадбиркорга қарашли Ишчилар шаҳарчасидаги У. Юсупов кўчасидаги сартарошхона

**ЮНУСОБОД ТУМАНИ**

1. «Лола» салонига қарашли 2-мавзе, 7-уйдаги сартарошхона, тел. 21-29-23
2. «Ал Барака Рум» хусусий корхонасига қарашли 8-мавзе, Савдо растаси, сартарошхона, тел. 21-40-81
3. «Гўзаллик уйи Гули» хусусий корхонасига қарашли 13-мавзе, 3-уйдаги сартарошхона, тел. 125-03-88

**ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ**

1. «Чигит қоғоз қоп» кичик корхонасига қарашли Ш. Руставели кўчаси, 8-уйдаги сартарошхона
2. «Обод Сервис» хусусий фирмасига қарашли Бобир кўчаси, 61-уйдаги сартарошхона
3. «Текис» хусусий фирмасига қарашли У. Носир кўчаси, 52-а уй, Аския бозоридаги сартарошхона
4. Гмирак Л. В. хусусий тадбиркорга қарашли У. Носир кўчаси, 132-уйдаги сартарошхона
5. Собитов Б. М. хусусий тадбиркорга қарашли Чўлпон ота 1-уйдаги сартарошхона

*«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»*

*Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.*

*Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.*

**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09.**

**МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204 -ХОНА.**


«Тошкентмебель» акциядорлик жамияти жамоаси жамият фахрийси, собиқ бош раҳбар Шариф Комилович Комиловга рафиқаси **Раҳимахон КОМИЛОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6